

МУВАШШАҲЧИЛИК АНЪАНАСИ

Арофатой Муйдинова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада мувашшаҳ асарлар ҳақида сўз боради. Мувашшаҳ ўзбек мумтоз шеърлятида кенг тарқалган шеърлий санъатлардандир. Ижоди ўрганилаётган шоирнинг адабий давраси, яқин дўстлари ким бўлганини ўрганишда мувашшаҳлар муҳим манба бўлиши мумкин.

Калит сўзлар: шеър, шеърлий санъат, мувашшаҳ, тавших, ғазал, қитъа, мухаммас, тазмин, ҳашв.

КИРИШ

Ўзбек миллий уйғониш адабиёти вакиллари яратган мувашшаҳлар адабиётшуносликда деярли тадқиқ этилган эмас. Шу боис уларни ўрганиш шоирлар адабий-эстетик оламини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу давр ижодидаги мувашшаҳларни илмий асосда ўрганиш адабиёт тарихининг қоронғи жиҳатларини ёритишда муайян даражада хизмат қилади. Мақсуд Шайхзода, Азиз Қаюмов, Шариф Юсупов, Қўлдош Пардаев сингари олимларнинг бу мавзуга оид тадқиқотлари мувашшаҳнинг ўзига хос хусусиятларини ёритгани, унга доир мунозараларга ойдинлик киритгани жиҳатидан аҳамиятлидир. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида Феруз, Камий, Мискин, Ҳазиний, Муқимий, Фурқат каби улуғ шоирлар мувашшаҳчиликда шуҳрат қозонишган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мувашшаҳ шеърлий санъати арабча “ташвех” сўздан олинган, асоси “вашшаҳа” “белни боғламоқ”, “безамоқ”, “зийнатламоқ” маъноларини ифодалайди. Мувашшаҳ жанр эмас, шеърлий санъатлардан бири, шунинг учун ғазал, мухаммас, мураббаъ, мусамман, мустаҳзод, маснавий, қитъа, рубой, фард каби жанрларда яратилиши мумкин. Мувашшаҳнинг ҳар бир мисра, байт ёхуд бандининг бошланиш ҳарфларидан бирор кишининг исми келиб чиқади. Баъзан исм мисралар таркибидаги сўзлар орасига яширинган бўлади. Бундай ҳолда мувашшаҳ муаммо усулида ечилади.

Мувашшаҳнинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Чунончи рус шарқшунос олими И.Ю.Крачковскийнинг ёзишича, илк мувашшаҳ, унинг шакли шамойили ва муайян тартибда тузилиши борасидаги фикрлар X асрда Арабистонда яшаб ижод этган шоир Муқаддам ибн Муъафа ал-Кабрий қаламига мансуб [2, 123].

Мувашшаҳ адабиётларда *тавишх санъати* деб ҳам аталади. XV асрда яшаб ижод этган олим Атоуллоҳ Ҳусайний ўзининг “Баъдойиъ – ус санойиъ” асарида бу санъатга қуйидагича таъриф беради: “Тавших ажам шуароси наздида андин ибораттурким, шоир мисра ёки байтларнинг бошида ё аларнинг ўртасида бир неча ҳарф ёки бир неча сўз келтирурким, ул ҳарф ёки сўзларни жамъ қилинса, бир исм ё бир лақаб ё бир мисра ё бир байт бўлур ёки анга ўхшаш бир нима ҳосил бўлур ва бу санъатни ўз ичига олган шеърни мувашшаҳ дерлар...”[1,85] Олим бунга мисол қилиб Алишер Навоийга бағишланган қуйидаги қитъани келтиради:

Иззату давлат, *илоҳий*, бод бо фатҳу зафар,
Шаҳриёр-и мулк-и донишро *ҳамеша* бешумор!

(Илоҳим, илм мулкининг шаҳриёрига ҳамиша ҳисобсиз фатҳу зафар билан иззату давлат келсин.)

Лутф кун дар зилл-и шах, ё раб, *бидораиш* то магар
Ёбад оромиш *ба иззу* адл-и эшон рўзгор.

(Ё раб, лутф қил, уни шоҳ соясида сақла, токи уларнинг қудрату адлидан замона тинч бўлсин!)

Ё раб, эҳсон кун *ба фазилат* давлат-и уқбо, ки ў
Расм-и эҳсон кард дар дунё *ба давлат* ошкор.

(Ё раб, фазлинг билан унга охират давлатини эҳсон қил, чунки у давлатга бу дунёда эзгулик расмини бунёд қилди.)

Мазкур қитъанинг биринчи мисраларнинг бошидаги ҳарфларни жамъ қилинса, Али ҳосил бўлур, иккинчи мисраларнинг олдидаги ҳарфларни жамъ қилинса, шер ҳосил бўлур. Биринчи мисраларнинг ҳашвидаги сўзларни жамъ қилинса, қуйидаги мисра ҳосил бўлур:

Илоҳий бидораиш ба фазилат.
(*Илоҳий, уни фазлингда тут.*)

Иккинчи мисраларнинг ҳашвидаги сўзларни жамъ қилинса, қуйидаги иккинчи мисра ҳосил бўлур:

Ҳамеша ба иззу ба давлат
(*Ҳамиша қудрату давлатда.*)

Агар сўзларни мисра ва байтларнинг тартиби билад жамъ қилсалар, ушбу байт ҳосил бўлур:

Илоҳий ҳамеша бидораиш

Ба иззу ба фазилат ба давлат [1,85].

(Илоҳий, ҳамеша тут ани

Қудрату фазлингда, давлатда) [1,320].

Шоир тавших санъатиға батафсил тўхталиб, барча турларига қатор мисоллар келтиради ва тавшихни қасидада қитъа шаклида қўлланишини таъкидлайди. Шунингдек, олим *тавших* сўзининг луғавий маъносини ҳам изоҳлаб, шундай асослайди: “Тавших луғатта вишоҳ, яъни бўюнбоғни бировнинг бўйниға илмактур. Шеърға ҳарф ёки сўзларни киритмак анга ўхшағани учун бу маънода анга тавших деб ном кўюптурлар” [1,87].

Мувашшаҳ-ғазаллар хусусида академик Азиз Қаюмов қуйидагича фикр билдирган: “Мувашшаҳ-ғазалда келтирилган сифатлашлар, шоирона тасвирлар кўпроқ шарқ адабиётига хос анъанавий характерга эга. Мувашшаҳ шоир маҳоратининг бир намоиши” [9,45].

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

XV аср шеърятини мувашшаҳнинг мисралар ичида қизил сиёҳ билан ажратиб ёзилган сўзларни жамланганда бир ёки бир неча байт шеър пайдо бўладиган туридан кенг фойдаланилган бўлса, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари адабиётини эса кўпроқ ҳар бир мисра, байт ёхуд бандининг бошланиш ҳарфларидан ном келиб чиқадиган туридан фойдаланилган. Бу даврда мувашшаҳчилик анъанаси шу даражада оммалашганки, ҳатто, шоирлик ва назмчилик ҳунари мувашшаҳчиликдаги маҳорати билан ўлчангани манбаларда таъкидланади [7,91-92]. Бу давр адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан, Қўқон адабий муҳитининг пешқадам вакиллари билан бири Зиёвуддинхон Каттахожа ўғли Ҳазиний Хўқандий ижодини ўрганган адабиётшунос О.Жўрабоев шоирнинг давр анъанасига кўра мувашшаҳчиликда ҳам баракали ижод қилганини, шеърларининг 25 тасида мувашшаҳ санъати акс этганини, шулардан тўрттаси мураббаъ, биттаси мухаммасда, қолгани эса ғазалларда эканини таъкидлайди [3,86]. Юқорида мувашшаҳлар турли жанрларда яратилиши мумкинлигини айтиб ўтган эдик. Демак, Ҳазиний мувашшаҳларини нафақат ғазал ва мухаммасларда, балки мураббаъларда ҳам қўллаган. Жумладан, Тўтихон-Тўти номига 3 мураббаъ, Иброҳимхон номига 1 мураббаъ

боғлаган. Шоирлар, асосан ишқи мажозий акс этган шеърларини мувашшаҳ қилишган. Проф. Ш.Юсупов ишқи ҳақиқийга бағишланган ғазални мувашшаҳ тарзида яратилганига мумтоз шоирлар орасида фақатгина Ҳазиний тўра меросида дуч келганини ёзади[8,147]. Шоирнинг ишқи илоҳий куйланган “Фироқ” радифли ғазали Қўлдошхон номига мувашшаҳ қилинган. Ғазал куйидаги мактаб билан якунланади:

Нақди умрингни дилингга олгуча тоатда бўл,
Эй Ҳазиний, айтасан зикру саноларни фироқ.

Шунингдек, мувашшаҳлар кўпинча эркаклар номига боғланган, жуда кам шоирларгина аёл номларига мувашшаҳ боғлаганлар. Ҳазиний тўра ижодида Тўфахон, Ашуройхон, Ойшахон, Назирхон, Ҳамраҳхон, Тўтихон-Тўти каби бир неча аёллар номларига мувашшаҳ боғлаганлигини кузатиш мумкин. Булар эса Ҳазиний мувашшаҳларининг ўзига хослигини таъминлайди. Шоир мувашшаҳ боғлаган шахсларнинг кимлигини аниқлаш мушкул бўлса-да, айримлари ҳақидаги маълумотларни О.Жўрабоевнинг илмий тадқиқотларида учратиш мумкин. Жумладан, номига тўққизта ғазалда мувашшаҳ боғланган Қўлдошхон шоирнинг Қумбосди қишлоғилик яқин дўсти, хофиз бўлганлиги у билан боғлиқ хотира-хикоя орқали аён бўлади[3,87].

Хива адабий муҳити намояндаларидан Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳам давр анъанасига мувофиқ мувашшаҳ-ғазалларнинг ўзига хос намуналарини яратган. Мувашшаҳлар, асосан эркаклар исмларига битилгани, жуда кам шоирлар ижодида аёллар номига мувашшаҳ боғлаганини юқорида айтиб ўтган эдик. Феруз ижодида ҳам аёллар номига мувашшаҳ-ғазаллар боғлаганини кўриш мумкин. Жумладан, шоирнинг:

Фурқатинг солди дилу жон ичра ўт,
Куфри зулфинг дину иймон ичра ўт, –

матлаъси билан бошланувчи ғазали Фаножон исмига мувашшаҳ қилинган. Хоразмда аёллар исмига “жон” кўшимчаси кўшиб айтилиши ҳисобга олинса, ушбу мувашшаҳ-ғазал аёл номига ёзилган бўлиши ҳақиқатга яқиндир[4,25].

Тошкент адабий муҳити вакилларида Мулла Қўшоқ Мискин ижодида ҳам ғазал жанридаги мувашшаҳлар кўп учрайди. Шоирнинг “Юсуфхон”, “Холмуҳаммадхон”, “Муҳаммаджон”, “Исмоил махзум”, “Зиёвуддинхон”, “Алихон”, “Омилхон” сингари замондошлари номига битилган мувашшаҳ-ғазаллари маълум. Номлари зикр этилган кишилар исмига Мискин билан бир даврда яшаб

ижод қилган яна қатор шоирлар ҳам мувашшаҳ боғлаганлар. Камийнинг Холмуҳаммадхон, Алихон, Мирзо Шошийнинг Алихон, Хислатнинг Юсуфхон, Алихон кабиларнинг номларига мувашшаҳ боғлаганларидан кўринадики, исмлари мувашшаҳ қилинган кишиларнинг Мискин ва унинг ижодий давраси учун яқин шахслар бўлгани ҳақидаги хулосага олиб келади. Хусусан, шоирнинг Зиёвуддинхон исмига мувашшаҳ қилинган “Зое айлаб ғамза тийрин отма кўп бегонага” мисраси билан бошланувчи ғазали замондоши шоир Ҳазиний исмига боғланган, деган мулоҳаза бор. Чунки “Ҳазиний ўз замондошлари Муқимий, Муҳйи, шайх Сулаймон Маҳжур, Ножий(Қаландар), Насимий, тўрақўрғонлик Ибрат, тошкентлик Камий, Мискин, Хислат, Сидқий Хондайлиқий каби шоирлар билан ижодий мулоқотда бўлган”. Мискин ва Ҳазиний ўртасидаги ижодий мулоқот Ҳазинийнинг кўп шоирлар мухаммас боғлаган машҳур “Ё ҳаёт ан-набий” радифли ғазалининг оҳанги ва радифини сақлаган ҳолда ёзган мухаммасида ҳам кўринади. Мискин ижодидаги:

Ҳуснингни, эй париваш, эълон этайму этмай?

Ё дил уйида сақлаб, пинҳон этайму этмай? –

байти билан бошланувчи ғазал Камийнинг Ҳусайнбек исмига мувашшаҳ қилинган “Ҳуснингни, эй париваш, эълон этайму этмай?” мисраси билан бошланувчи ғазалига тазмин қилинган. Эътиборлиси, Мискиннинг бу ғазали Холмуҳаммадхон исмига мувашшаҳ ҳам. Демак, Мискин нафақат ғазалга тазмин боғлаган, балки асос бўлган ғазалдаги бадиий унсурни ҳам сақлаган[5,79-80].

ХУЛОСА

Умуман, Миллий уйғониш даври адабиёти вакиллари ижодидаги мувашшаҳлар тадқиқи шоирларнинг яқин дўстлари кимлар бўлгани, шунингдек, бу давр ижтимоий ва адабий ҳаёти, шоирнинг адабий давраси, ижодий ҳамкорлиги каби кўплаб масалаларга ойдинлик киритиши жиҳатидан аҳамиятлидир.

REFERENCES

1. Атоуллоҳ Ҳусаиний. Бадойиъу-с-санойиъ. – Тошкент, “Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1981.
2. Аширбоев С., Азимов И., Раҳматов., Ғозиев А. Эски ўзбек тили ва ёзуви практикуми – Т.: “Ижод”нашриёт уйи, 2006,123-бет.

3. Жўрабоев О. Ҳазиний тўра. – Тошкент, “Фан”, 2007.
4. Махаммадиева Ю.Я. Ферузнинг бадий маҳорати. Филол. фан. бўйича фалсафа док. дисс. – Т.: 2021, 25-бет.
5. Нуриддинов Ш.Б. Мулла Қўшоқ Мискин ҳаёти ва унинг адабий мероси. Филол.фан.ном... дис. – Т.: 2011, 79-80-бетлар.
6. Пардаев Қ. Муқимий шеърят: матн тарихи, таҳрири ва талқини. – Тошкент, “Муҳаррир” нашриёти, 2019.
7. Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Бешинчи том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972, 91-92 бетлар.
8. Юсупов Ш. Тарих ва адаб бўстони. – Тошкент, “Маънавият”, 2003.
9. Қаюмов А. Шеърят жилolari. – Т.: Ўқитувчи, 1997. 45-бет.

